ЧЎЛПОН МАҚОЛАЛАРИДАГИ ЯСАМА СИФАТЛАРНИНГ ГРАММАТИК ВА ФУНКЦИОНАЛ ТАҲЛИЛИ

Д.Неъматова

Мақолада XX асрнинг 20-йилларида ижтимоий ҳаётда содир бўлаётган ўзгаришлар натижасида сўз ясовчи қўшимчалар вазифасининг кенгая бориши Чўлпон публицистик асарлари мисолида таҳлил қилинган.

***Калит сўзлар**: ясама лексема, сўз ясаш модели, ясама сўз, ясама сифат, қўшимча, синтактик усул.*

В статье на примере публицистических произведений Чулпана рассматривается расширение функций словообразовательных аффиксов, возникших в результате произошедших изменений в общественной жизни 20-х годов 20-го века.

***Ключевые слова:**производная лексема, словообразовательная модель, производное слово, производное прилагательное, аффикс, синтаксический способ.*

The article analyzes on the example of Chulpan's publicistic works the expansion of the functions of word-formation affixes, arisenfrom the changes in the public life of the 20s of the 20th century

***Key words**: derivative lexeme, derivational model, derived word, derived adjective, affix, syntactic method.*

Чўлпон публицистик асарлари тили ўзбек тилининг лексик меъёрларини белгилашда катта хизмат қилди. Ҳар қандай тилнинг лексик системаси ўзаро муносабатда бўлган туб ва ясама лексемалар йиғиндисидан ташкил топади. Ясама лексемалар муайян бир тилнинг маълум бир даврида амал қиладиган сўз ясаш моделлари асосида майдонга келади. Ижтимоий-иқтисодий ҳаётда пайдо бўлган янги-янги тушунчалар нафақат тилнинг ташқи имкониятлари асосида пайдо бўлган бирликлар – неологизмлар, балки ички имкониятлари асосида, яъни шу тилда мавжуд бирликлардан сўз ясаш модели асосида ҳосил қилинган ясама сўзлар воситасида ҳам ифодаланади. Ҳар бир ижодкор янги тушунчаларни ифодалашда тилдаги мавжуд сўз ясаш моделидан фойдаланиш билан бирга, бу моделнинг ташкил этган структур қисмларига айрим ўзгартиришлар киритиши ҳам мумкин. Бу эса унинг новаторлигини белгиловчи омиллардан бири саналади [1]. Демак, ҳар қандай буюк ижодкорнинг тилида консерватившлик, барқарорлик, анъанавийлик билан новаторлик, реформаторлик диалектикаси уйғунлашади [2]. Чўлпон ҳам ўз тилининг жонкуяри сифатида ана шу уйғунликни ўз ижодида намоён қилган улуғ адибдир.

Ҳар қандай тил луғат таркибининг бойишида сўз ясалиши асосий ўрин тутиши маълум [3]. Янги ижтимоий-маданий воқелик хусусиятлари билан боғлиқ сўз танқислиги кузатилган даврда ижод қилган адиб, шоир ва публицистлар янги сўзларга бўлган эҳтиёжни, кўпинча, сўз ясаш орқали қондирганлар. Табиийки, бунинг натижасида тилимизнинг луғат таркиби анча бойиган, информация етказиш(коммуникатив) имкониятлари кенгайган.

Маълумки, ўзбек тили ривожининг бутун тарихи давомида ўз ички ресурслар негизида янги сўзлар ҳосил қилиш муҳим ўрин тутган. "Сўзнинг лексик маъноси ўзак-негизнинг ўзи билан ифодаланади..." [4.20].

Профессор А.Ғ.Ғуломов ўзининг ишларидан бирида шундай ёзади: "Сўз ясалиши тилшунослик фанининг айрим бир бўлими, мустақил лингвистик соҳа, тармоқ бўлиб, у сўзларнинг ясалишини, янги сўз ҳосил қилишнинг қонун-қоидаларини, моделларини, воситаларини, шу билан боғлиқ ҳолда, сўзларнинг структурасини текширади. Демак, бу соҳанинг объекти сўздир. Тилшуносликнинг бу бўлимида, биринчидан, янги сўзларнинг қандай ҳосил қилиниши, иккинчидан, мавжуд ясамаларнинг қандай пайдо бўлганлиги текширилади. Текширишнинг бу икки томони ўзаро боғлиқ ҳодисалардан янги сўз мавжуд моделига қараб, шу асосда ҳосил қилинади" [4.8]. Шундай экан, барча тилларда тилшуносликнинг сўз ясалиши бўлими ўрганилиб келинмоқда. Чунончи, рус ва ўзбек тилшунослигида сўз ясалиши усуллари мувофиқ дарсликлар, монографиялар, ўқув қўлланмаларида ёритиб берилган.

Чўлпон ҳам ўзининг публицистик асарларида ясама сўзларни жуда кенг қўллаган, ўрни келганда янги сўзлар ясаган. Чўлпон асарларида қўлланган ясама сўзларнинг бир қисми давр матбуоти тилида, умуман, давр тилида оммалашиб улгурган бўлса, айримларини муаллиф неологизмлари ҳисоблаш мумкин. Таҳлилнинг кўрсатишича, Чўлпон публицистик асарларида қўлланган ясама сўзларнинг бир қисми адабий тилимизда айнан ўринлашган бўлса, бошқалари қисман ўзгаришларга учраган ҳолда ўринлашган ва яна бир қисми истеъмолдан чиқиб кетган. Чўлпон ўзбек адабий тилининг бой луғат таркибидан фойдаланибгина қолмасдан,

ўзбек тилининг сўз ясаш имкониятлари асосида кўпгина янги сўзлар ҳам ижод қилди. Чўлпон сўз ясашда ўзбек тилининг ички тараққиёт қонунларига амал қилди.

Чўлпон публицистикаси, умуман, жадид матбуоти ёхуд 20-йиллар вақтли нашрлари кўздан кечирилса, бу даврда сўз ясаш ғоят сермаҳсул бўлганлигига амин бўлиш мумкин. Ижодкорларнинг сўз ясаш бобидаги бу хил фаоллиги ҳам ўзгараётган воқеликни ифодалаш учун зарур сўзлар танқислиги билан изоҳланади. Албатта, ҳозирча қайси сўз ким томонидан ясалганлиги, ким томонидан илк бор муомалага киритилганлигини аниқ айтиш қийин. Бироқ шуниси аниққи, Чўлпон публицистик фаолияти давомида ўзбек тилининг сўз ясаш имкониятларидан самарали фойдалана билган.

Чўлпон қўллаган ясама сифатларнинг аксариятини *-ли* аффикси билан ясалган сифатлар ташкил этади. Аввало шуни айтиш керакки, ўша давр имлосида *-ли* ва *-лик* қўшимчалари қатъий чекланган эмас. Шу боис ҳам ҳатто бир сўзнинг икки хил ёзилишига дуч келинади. Шунга кўра, биз бу қўшимчаларни бугунги кун имлоси нуқтаи назаридан фарқлаймиз. Бу қўшимчалар билан ясалган сифатларнинг кўплиги сабабли уларнинг энг характерларига тўхталиш билан чекланамиз. Маълумки, *-ли* қўшимчаси билан 1) асосдан англашилган нарса, хусусиятга эгаликни ва 2) асосдан англашилган нарса хусусиятнинг ортиқлигини билдирувчи сифатлар ясалади. Чўлпон публицистикасида қўлланган *гугуртли(к), мафкурали, севинчли(к), суйгили, тафсилли(к), ўзбошли, тагли(к)* сифатлари биринчи турга; *ёруғли, исрофли, ҳаволи, фикрли, ҳиссиётли, хаёлли* каби сифатлар иккинчи турга мансубдир. Мисолга олинган сифатларнинг аксарияти бугунги кунда эскирган ёки ўта пассивлиги билан характерланади. Уларнинг айримларида ясаш асоси эскирган, бошқаларида ясовчи қисм эндиликда ўзгача. Масалан, “гугуртли” сўзида ясаш асоси эскирган, чунки ҳозирда “гугурт” сўзи “фосфор” маъносида ишлатилмайди. Ёки “тагли(к)” сифатининг ясалиш асоси, аниқроғи, Чўлпон таянган семаси ҳозирда эскирган. Чўлпон ушбу сифатни калька усулида ясаган бўлиб, ўз вақтида “асосли” маъносида қўллаган (“таглик масала” – “основополагающий, фундаментальный”). Чўлпон қўллаган айрим сифатлар маъноси ҳозирги адабий тилда ўзгачароқ шаклда берилади. Масалан, “ҳаволи” сифати Чўлпон контекстида “баҳаво” маъносида ёки “тафсилли(к)” сўзи “батафсил” маъносида келади. Шунга ўхшаш ҳол “хаёлпараст”, “романтик” маъноларида қўлланган “хаёлли”, “ўзбошимча” маъносида ишлатилган “ўзбошли”, “чароғон” маъносида ишлатилган “ёруғли” сифатларида ҳам кузатилади.

Чўлпон асарларида *-ли* қўшимчаси билан ясалган айрим сифатлар борки, улар маъно жиҳатидан юқоридаги гуруҳларнинг иккисига ҳам мансуб эмас ва айни шу шаклда ҳозирда қўлланмайди. Булар “сочмали”, “тизмали”, “таржимали” сифатларидир. Маъно жиҳатидан бу сифатлар асосдан англашилган усулда яратилганлик маъносини беради: “сочмали” – насрий йўлда, “тизмали” шеърий йўлда, “таржимали” – таржима қилинган. Чўлпон қўллаган бу сифатлар ҳам адабий тилга сингишмаган, ҳозирда улар ўрнида “шеърий”, “насрий”, “таржима” сўзлари қўлланади. Бизнингча, бу сифатларнинг дастлабки иккитаси ҳам “ўзбекчалаштириш”, яъни арабий сўзлар ўрнига соф ўзбекча сўз қўллашга интилиш натижасида ясалган.

Чўлпон асарларидаги шахсни жойга мансублик жиҳатидан характерловчи сифатларда ҳам *–лик (-лиқ)* ва *-ли* қўшимчалари бирдек ишлатилади: ерлик – ерли, андижонлиқ – андижонли, тубжойли – тубжойлик. Бу қўшимча ёрдамида ҳам Чўлпон калька усули билан айрим сифатлар ясаган: “маҳалли(к)” (провинциал) ва бунинг зидди бўлмиш “марказли(к)”. Бундан фарқ қиларок, фаслга мосланганлик маъносидаги “ёзлик”, “қишлиқ” сифатларида, шунингдек, вақт билан характерланувчи белгини билдирувчи “ойлик”, “кундалик”, “ҳафталик”, “йиллик” сифатларида ҳар вақт *-лик (-лиқ)* қўшимчаси қўлланган. Шуниси ҳам борки, Чўлпон “кундалик” сифатини икки хил маънода ишлатади: биринчиси вақт билан боғлиқ белгини билдирувчи сифат (“кундалик хабарлар”) бўлса, иккинчиси “суточные” – кунлик ҳаражат учун белгиланган пул маъносида (“ойлик ва кундалик (суточный) кўпгина берилатурғондир”). Яъни, кейингисининг от томон силжиган сифат эканлигини яққол кўриш мумкин.

-ли қўшимчали сифатларга маъно жиҳатидан зид сифат ясовчи *-сиз* қўшимчаси ҳам Чўлпон публицистикасида анча фаол қўлланган. Хусусан, шу қўшимча билан ясалган “динсиз”, “онгсиз”, “саводсиз” сифатлари умуман давр тилида фаол (ва айни шу шаклларда янги) саналса, “руҳсиз”, “шонсиз”, “эссиз” каби сўзлар, бизнингча, Чўлпон аналогия асосида ясаган ва фаоллаштирган сифатлар ҳисобланиши мумкин. Фикримизча, дастлабки учта сўзнинг ясалиши ва фаоллашуви давр ижтимоий-сиёсий шароити билан бевосита боғлиқ бўлса, кейингилари рус тили таъсири билан изоҳланиши мумкин. Масалан, “руҳли” – “руҳсиз” антоним сифатлари Чўлпоннинг театр тақризларида анча фаол бўлиб, улар русча «вдохновенный» сифатига эквивалент сифатида ишлатилган.

Чўлпон асарларида нисбатан пассив қўлланган сифатлар сирасига *-ғич (-ғич), -ғин (-ғун), -ч (-нч),-в*

(-ов),-н (-ун), -қ (-ик) қўшимчалари билан ясалган сифатларни киритиш мумкин.

-ғич (-ғич) қўшимчаси билан ясалган “бошланғич”, “тойилғич”, “билгич” сифатларида ҳам янгилик аломатлари сезилади. Хусусан, “билгич” сифати “билимдон” маъносида қўлланган бўлиб, у ҳозирда кенг истеъмолда эмас; “тойилғич” сўзига эса автор неологизми сифатида қаралиши мумкин. Бизнингча, “бошланғич” сифати ҳам ўзбекчалаштиришга интилиш натижаси ўлароқ ясалган бўлиб, у “ибтидоий” сўзи ўрнида қўлланган (“бошланғич мактаб”). Шуниси борки, бу сўз от ўрнида, “ибтидо” маъносида ҳам қўлланган (“шунинг бошланғичи”). Шунга ўхшаш, ҳозирги адабий тилда кўпроқ от саналувчи “қўрқунч” сўзи ҳам Чўлпон контекстида сифат ўрнида қўлланади. Бироқ, бизнингча, Чўлпоннинг бу хил сўз қўллашида сифатнинг от томон силжиш ҳодисаси кузатилмайди. Негаки, худди шу қўшимча билан ясалган “қизғонч”, “аянч” сўзларида маъно жиҳатидан от томон силжиш мутлақо сезилмайди. Фикримизча, Чўлпон айрим ҳолларда “қўрқунч” сўзини *-в (ув*) қўшимчали “қўрқув” сўзига эквивалент тарзида ишлатган, холос.

Чўлпон публицистик асарларида қўлланган ясама сифатларнинг бир қисми ҳозирда ўзгачароқ шаклда истеъмолда бўлиб, уларнинг ё ясаш асоси ва ё қўшимча қисми ўзгаришга учраган (“тарқо**в”** – тарқо**қ**, “ўт**кан**даги” - ўт**миш**даги). Шунингдек, Чўлпон қўллаган сифатларнинг айримлари ҳозирда от туркумига силжиган бўлиб, улардан ясовчи қўшимчалар билан қайта сифат ясалган ҳоллар ҳам мавжуд: “қатнов йўл” – **сер**қатнов, “қўрқунч овоз” – “қўрқинчли”. Ёки “эсли” – “эссиз” антонимик жуфтлигидаги “эссиз” сифати ҳозир истеъмолда эмас. Шунга ўхшаш, Чўлпон асарларида синоним тарзида қўлланган *“ғалвасиз” – “беғалва”, “тинчсиз” – “нотинч”, “омонсиз” – “беомон”* жуфтликларида олд қўшимчалилари тилда муқимроқ ўрнашди. Давр ижтимоий шароити билан боғлиқ ҳолда фаол қўлланган “миллиятпарвар”, “маорифпарвар” сўзларини ҳам шу сирага киритиш мумкин.

*Синтактик усул*да ясалган сифатлар Чўлпон асарларида жуда кам қўлланилган бўлиб, уларнинг адади *“бутуниттифоқ”, “умумтурк”, “тубжой” (“тубжой халқ”), “девсифат”, “саҳнабоп”* сингари бир неча сифат билан чекланади.

Ушбу мақолада юритган мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда қуйидагича хулосаларга келиш мумкин, ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда юзага келган сўз танқислиги XX асрнинг 10 – 20-йилларида ўзбек тили луғат таркибида кўплаб ясама сўзларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Янги сўзларнинг истеъмолга киритилиши, оммалашиши ва тилимизда ўринлашишида миллий матбуотнинг, публицистларнинг жуда катта роли борлиги шубҳасиздир. Жумладан, Чўлпон ўзининг ижодий фаолияти давомида тилимиз луғат таркибининг бойишига сезиларли ҳисса қўшди.

Адабиётлар:

1. Совет даврида ўзбек адабий тилининг тараққиёти. Сўз ясалиши ва лексикаси. 3 томлик. 3-том. – Тошкент: Фан, 1991. – 187 б.
2. Тожиев Ё. Ўзбек тили морфемикаси. –Тошкент: ТошДУ, 1992. – 68 б.
3. Ҳожиев А. Ўзбек тилида сўз ясалиши. –Тошкент: Ўқитувчи, 1989. – 155 б.
4. Ўзбек тили грамматикаси. 2 томлик. 1-том. Морфология. – Тошкент: Фан, 1975. – 610 б.

Андижон давлат университети
2018 йил 21 декабрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Д.Набиева)